

“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖ

Кузатув кенгашининг қарори билан

«Тастиқланди»

2016-йил 10 июндаги

66-сонли баённома

**“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖНИНГ  
Ахборот сиёсати ҳақидаги  
НИЗОМ**

## **МУНДАРИЖА:**

1. Умумий қоидалар.
2. Ахборот сиёсатининг асосий принциплари.
3. Қонунчиликка мувофиқ очилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхати. Уларнинг очилиш муддатлари ва тартиби.
4. Қўшимча ахборотнинг рўйхати ва очилиш тартиби.
5. АЖ бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатдор шахслар билан ахборот алмашиб тартиби.
6. Жамиятнинг ахборот сиёсатига риоя қилиниши учун назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар.
7. Хулоса.

## **1. Умумий қоидалар**

**1.** Ахборот сиёсати ҳақидаги мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядор жамиятлар ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги” ва “Қимматли қоғозлар бозори ҳақидаги” қонунлариға, Вазирлар Махкамасининг 02.07.2014-йилдаги “Акциядорлар Жамиятида корпоратив бошқарувининг тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги” 176-сонли ва 31.12.2013-йилдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиясининг ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги” 355-сонли Қарорлариға, қимматли коғозлар бозорида ахборотларни тақдим этиш ва эълон бериш Қоидалариға (31.07.2012-йилда 2383-рақам билан қайд этилди) ва акциядорлар жамияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича 31.12.2015-йилдаги Комиссия йиғилишининг 3-сонли баённомаси билан тасдиқланган корпоратив бошқаруви Кодексига асосан ишлаб чиқилди.

Мазкур Низом, очилиши (фош этилиши) шарт бўлган ахборотлар ва хужжатлар рўйхатини аниқлайди, ҳамда уларни “Ўзкимёсаноатложиха” АЖга тақдим этиш тартиби ва муддатларини тартибга солади (мант давомида - Жамият).

**2.** Ахборот сиёсатининг мақсади Жамият ва унинг фаолияти Ҳақида акциядорларга, инвесторларга, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилариға ва бошқа манфаатдор шахсларга ахборотга бўлган эҳтиётини қондириш йўли билан Жамият фаолиятининг ошкоролиги ва тиниклиги бўлиб ҳисобланади.

**3.** Ахборот сиёсати Жамият ва унинг фаолияти ҳақида ишончли ахборот олиш учун манфаатдор шахсларнинг тўлиқ ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган, улар томонидан инвестицион ва бошқарув қарорларини қабул қилиши учун муҳимдир, ҳамда Жамият ҳақида конфиденциал ахборотни ҳимоя қилишга қаратилган.

**4.** Тижорат сирига ахборот тегишли эканлиги тартиби, унга тавсиф берши ва шартларига қараб йўл топиши Жамият томонида Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи “Тижорат сири ҳақидаги” Қонунига ва қонунчиликнинг бошқа далолатномалариға асосан белгиланади.

## **2. Ахборот сиёсатининг асосий принциплари.**

**2.1.** Ахборот сиёсатининг асосий принциплари бу ахборот ресурсларининг мунтазамлиги, тезкорлиги, ҳаммабоплиги, тўлиқлиги, тенг ҳуқуқлиги, баланслилиги, ҳимояланганлиги ҳисобланади.

**2.2.** Мунтазамлик принципи Жамият ҳақида ахборотни манфаатдор шахсларга мунтазамлик асосида Жамият томонидан тақдим этилишига йўналтирилган.

**2.3.** Тезкорлик принципи, бу-Жамият қисқа вақт ичida Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ҳамда уларнинг манфаатлариға даҳл қилувчи муҳим воқеалар ва фактлар ҳақида манфаатдор шахсларга ахборот берилишини билдиради.

**2.4.** Ахборотнинг ҳаммабоплик принципи остида, бу- Жамият ахборот очилишига манфаатдор шахсларнинг эркин, бемалол ва танловсиз ҳаммабоплигини таъминловчилар, ўзининг фаолияти ҳақида ахборотни тарқатилиш каналлари ва усулларини ишлатилиши тушунилади.

**2.5.** Тўлиқлик принципи, бу- Жамият ахборотини барча манфаатдор шахсларга Жамият ҳақида, Жамият фаолиятининг натижалари ҳақида тўлиқ тасаввур этилишини шакллантириш имконини берувчи, ҳажмда, ўзи ҳақида негатив ахборотни очилишидан бу пайтда тегишли ҳақиқийликдан ўзини четга олмаслигини билдиради.

**2.6.** Тенг ҳуқуқлик, бу – Жамият фаолияти ҳақида ахборотни олиш ва йўқ топишга барча манфаатдор шахслар тенг ҳуқуқларни таъминлайдиган Жамият.

**2.7.** Баланслилик принципи Жамиятнинг очиқлиги ва шаффоғлиги ўртасида бамаъни балансга риоя этишни назарда тутади. Бунда мажбурийлик шартлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- Ахборотнинг конфиденциаллигини химоя қилиши;
- Жамиятнинг қонунчиликда ва ички ҳужжатларида ўрнатилган, инсайдерлик ахборотни тарқатилиш ва ишлатилиш қоидаларига риоя этилиши.

**2.8.** Ҳимояланганлик принципи – тижорат ёки бошқа сирни, ёки конфиденциал ахборот ҳисобланувчидан иборат қонунчиликда рухсат берилган ахборотни ҳимоялаш усуллар ва воситаларни ишлатилишини назарда тутади.

### **3. Қонунчиликка мувофиқ очилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхати.**

#### **Уларнинг очилиши муддатлари ва тартиби.**

**3.1.** Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи “Акциядор жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ҳақидаги”, “Қимматли қофозлар бозори ҳақидаги” Қонунлари билан, Вазирлар Махкамасининг 02.07.2014-йилдаги “Акциядорлар жамиятида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги” 176-сонли ва 31.12.2013-йилдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникацион технологияни ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги” 355-сонли Қарорлари билан, қимматли қофозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва эълон бериш Қоидалари 31.07.2012-йил 2383-сон билан рўйхатга олинган ва Қонунчиликнинг бошқа далолатномалари билан белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усулларди очилиши шарт бўлган ахборотни Жамият фош қиласи.

**3.2. Очилиши шарт бўлган ахборотлар қўйидаги жойларда амалга оширилади:**

- корпоратив ахборотнинг Ягона порталига;
- фонд биржасининг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz));
- жамиятнинг корпоратив веб-сайтида ([www.himproekt.uz](http://www.himproekt.uz));
- оммавий ахборот воситаларида.

**3.3. Қимматли қофозлар бозорини ёки фонд биржасини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органинг расмий веб-сайтида очилиши шарт бўлган ахборотлар мавзусидаги ҳужжатлар қуидагилар ҳисобланади:**

- қимматли қофозларнинг эмиссия проспекти;
- жамиятнинг йиллик ҳисботи, шу жумладан молиявий ҳисбот халқаро стандартларига мувофиқ тузилган;
- биринчи чорак, биринчи ярим йиллик ва тўққиз ойлик натижалари бўйича Жамиятнинг ҳисботи;
- Жамият фаолиятида мавжуд факт ҳақида хабарнома. Қимматли қофозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш Қоидаларида ўрнатилган муддатларда, тартибда ва шаклда юқорида кўрсатилган ахборотни Жамият фош этади.

**3.4. Агарда Жамиятнинг қимматли қофозлари фонд биржасининг биржа котировал қофозига киритилганида ва у ерда бўлганида, жамият, биржа бюллетени ҳақидаги Низомнинг талабларига мувофиқ барча зарур бўлган ахборотларни очади.**

**3.5. Жамият расмий веб-сайтга эга ([www.himproekt.uz](http://www.himproekt.uz)) ва у ерда ахборотни очилишини таъминлайди, унинг рўйхати “Акциядорлар Жамиятида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги” Вазирлар Махкамасининг 02.07.2014-йилдаги 176-сонли қарорида белгиланган.**

**3.6. Қуидаги ахборотлар оммавий ахборот воситаларида ошкор этилиши шарт:**

- акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳақидаги хабарномалар;
- жамиятнинг электрон почтаси жойлашган жойи ва манзили ўзгарганлиги ҳақидаги хабарнома;

- акцияларни ёки акцияга конвертиланган, қимматли қофоз эмиссияларини сотиб олиши, имтиёзли хукукга эга, Жамият акциядорларига таклиф бериш;
- акцияларни Жамият томонидан сотиб олиниши;
- жамиятни тугатилиши ҳакида, ҳамда унинг кредиторлар талабнома аризаси тартиби ва муддатлари ҳакида ахборот.

#### **4. Қўшимча ахборотнинг рўйхати ва очилиш тартиби.**

**4.1.** Жамият Жамиятнинг расмий веб-сайтини такомиллаштирилишини таъминлайди, манфаатдор шахсларга қулай бўлган инглиз, рус ва бошқа тилларда сайтнинг версиясини яратиш йўли билан, тегишли тилга таржима қилинган, давтатидаги барча ахборотларни унга жойлаштирилади.

**4.2.** Жамият ўзининг расмий веб-сайтида қўйидаги қўшимча ахборотларни очади:

- корпоратив бошқариш Кодексининг тавсияларига амал қилиш мажбуриятларини қабул қилиш ва унга риоя этиш ҳақидаги ахборотларни;
- ижроия орган ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан ушбу Жамиятда ишлаган даврни кўшганда;
- Жамиятнинг ижроия органи ва корпоратив бошқариш тизими фаолиятининг самарадорлигининг баҳолаш натижаларини;
- Жамиятнинг 20%дан кўп акцияларига эга акциядорлар ҳақидаги ахборотни;
- тоза фойдани таклиф этилаётган тақсимланишга асослар, дивидендларнинг миқдори;
- кутилаётган тоза фойдани кўрсатилиши билан инвестиция лойиҳалари шаклида амалга оширишни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техникавий қайта қуришни бажариш бўйича Жамият режалари;
- акцияларнинг баҳосини белгилаш бўйича ахборотнинг мавжудлиги, ҳамда фундаментал ва техник тахлил натижалари, комментариялар ва мутахассисларнинг, эксперталарнинг ва маслаҳатчиларнинг башоратлари;
- Жамиятнинг бизнес турлари бўйича капитал нархининг қиймати мавжудлиги ва бу кўрсаткичларнинг қиймати асослаш билан Жамият капиталида ўртacha ўлчангандар нархининг мавжудлиги;
- ҳайрия ёки текинга ёрдам бериш ва қарор қабул қилиш шартлари, тартиби ҳақида маълумотлар, ҳамда ҳақиқий ҳайрия ёки текинга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги ахборотлар;

**4.3.** Кузатув кенгашини ва Ижроия органини рағбатлантириш ва компенсация миқдори ҳақидаги ахборотлар акциядорларнинг Умумий йиғилишида очилади ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши баённомасига киритилади.

**4.4.** Жамият ҳақидаги ахборотни фош этиш учун Конунчиликда А.Ж. назарда тутилган бошқа манбаларда Жамият таъминлайди.

#### **5. Бошқарув органи аъзолари, мансабдор шахслар ходимлар ўртасида манфаатдор шахслар билан ахборотларни алмашиш тартиби.**

**5.1.** “Ўзқимесаноатложиха” АЖ бошқарув органи аъзолари, мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатдор шахслари билан ахборотларни алмашиш учун Жамият маъсул ходимни тайинлайди, у орқали ахборот алмашиши амалга оширилади.

**5.2.** Манфаатдор шахсларнинг ахборотларни тақдим этиш ҳақидаги ёзма талабномаси бўйича Жамиятнинг масъул ходими, мазкур Низомда назарда тутилган бир ҳафталик муддат ичида барча зарур бўлган ахборотларни тақдим этади, агарда Қонунчиликда бошқа муддат белгиланмаган бўлса.

**5.3.** Ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этиш зарурият бўлган ҳолатида, манфаатдор шахс, ҳақ тўлайди, унинг миқдори ҳужжатларнинг нусхасини тайёрлаш учун ҳаражатлар

нархидан ва ҳужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ ҳаражатларнинг нархидан ошмаслиги керак.

**5.4.** Акциядорлар Жамият ёки унинг фаолияти ҳақида ахборотларни фош этишга ҳаққи йўқ, бу ахборотлар хизматга доир, тижорат ёки қонун билан ҳимояланган бошқа қонун сиридан иборат бўлса.

## **6. Жамиятнинг ахборот сиёсатига риоя этилиши учун назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар.**

**6.1.** Оммавий ахборот воситаларида Жамият ҳақида ахборотларни очиш ва мазкур Низомда назарда тутилган ахборотларни очиш учун Жавобгар Жамиятнинг корпоратив котиби ёки акциядорлар билан муносабатдаги корпоратив бошқарувининг масъул ходими бухгалтер ҳисобланади, ҳамда бундай ваколатга эга шахс ҳисобланади.

Ижроия органи раҳбаридан ва унинг ўринбосаридан ташқари бошқа шахслар Жамият номидан иш юритишга ҳуқуқлари йўқ.

**6.2.** Ахборотни фош этилишининг тўлиқлигига, ишончлилигига ва ўз вақтидалигига жавобгарлик Жамиятнинг Ижроия органи раҳбарига юклатилган.

**6.3.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши мазкур Низомнинг талаблари бажарилишини бориши ҳақида хар чоракда Ижроия органнинг ҳисботини тинглайди.

## **7. Хулоса.**

**7.1.** Мазкур Низомга мувофиқ фош этилаётган ахборотларни ташкил этиш, ҳолати ва ишончлилик учун жавобгарлик Жамиятнинг Ижроия органига юклатилган.

Ижроия органнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири бу ахборотларни ўз вақтида, сифатли, ишончли ва тўлиқ фош этилиши ва унга мукофотни тўлаш шартларидан бири ҳисобланади.

**7.2.** Мазкур Низомнинг талабларини бузилишида айбдор шахслар, ўрнатилган тартибда жавобгардирлар.

**7.3.** Мазкур Низом Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан, йиғилишда қатнашган унинг аъзоларининг кўпчилик овози ёки сиртдан овоз беришда қатнашганлар кўпчилик овози билан тасдиқланади.

**7.4.** Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан унинг аъзоларини кўпчилик овози билан, киритилади.

**7.5.** Агарда мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига ва Жамият Уставига қарама-қарши бўлганида, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу модда саволлари билан тартибга солинаётган қисмлари амалда кўлланилаётган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик меъёрларига ёки Жамият Уставига раҳбарлик қилиниши керак, мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилган вақтгача кўллашлари шарт.